



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 30
(901)
2024 йил
8 август,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета

Фахр

ДИЁРИМИЗ ЁРУФ ЮЗИ

Диёра

Ўзбекистон чемпиони, халқаро турнирлар совриндори, Осиё ва жаҳон чемпиони, Осиё ва Ислам бирдамлиги ўйинлари ғолиби, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, “Келажак бунёдкори” медали ва «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони соҳиби, Ўзбекистон тарихида ёзги Олимпия ўйинларида чемпион бўлган илк аёл спортчи. Бу ютуқларнинг барчаси дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, самарқандлик Диёра Келдиёровага тегишли.

Диёра Келдиёрова 1998 йилда Паст Дарғом туманининг Пўлатчи маҳалласида туғилган. 20 йилдан буён дзюдо билан шуғулланиб келади. Спортга кириб келишига унинг катта бувиси сабабчи бўлган. Онахон неварасининг болалигидан кураш билан ошно тутинишини истар, Диёранинг келажакда яхши спортчи бўлиб етишини орзу қилган ва дзюдо тўғарагига берган. 6 ёшида Хуршида Халикова қўл остида шуғулланишни бошлаган ва 2010 йилда илк марта Ўзбекистон чемпиони бўлиб, 2013 йилда миллий терма жамоага қабул қилинган. Терма жамоада Нелья Киямова мураббийлигида машғулотларни давом эттириб, 2015 йилда жаҳон чемпиони бўлгач, ўзбек дзюдосида янги саҳифа очиб, уни ғалабалар билан тўлдириб келмоқда.

(Давоми 8-саҳифада)



БИЗНИ

КЕМИРГУВЧИ

ИЛЛАТЛАР

(Давоми 5-саҳифада)

ИШЛАГАН ҲАР БИР АЁЛГА “ДЕКРЕТ” ПУЛИ БЕРИЛАДИ

Ижтимоий сиёсат мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг аниқ манзилли хусусиятга эга экани ҳар бир муҳтож инсонга унинг реал эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда. Бунда ушбу тоифага мансуб ҳеч бир инсон эътибордан четда қолмаслигига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг мутлақо янги ва ўзига хос тизими яратилгани, кейинги пайтда “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “махаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш усуллари жорий этилгани ижтимоий масалаларни самарали ечимини топишга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”-ги, “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”-ги фармонлари, “Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори ҳам бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу йил 30 июль куни бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилган “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”-ги қонун лойиҳасида ҳам давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўланадиган нафақалар турлари белгилаб қўйилаётгани эътиборга молик.

Шу ўринда “хўш, ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга нега зарурат туғилди?, мазкур ҳужжатда қандай янги нормалар белгиламоқда?” деган ҳақли савол туғилиши табиий.

Авалло айтиш керакки, қонун лойиҳасида давлат ижтимоий суғуртаси тизими ва давлат ижтимоий суғуртаси тўловларини тўлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар ўрин олмоқда.

Биринчидан, инсон ҳаёти ва фаолияти давомида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганида (ўзи ёки фарзанди касал бўлганида, қисқа даволанишда, туғруқ даврида) ёки ишсиз қолганида уни ижтимоий қўллаб-қувватлаш назарда тутилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституци-

яда ҳар ким меҳнат қобилиятини йўқотганида ҳамда ишсизлигида ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Шунга асосан юқоридаги норма билан ижтимоий фаол аҳолини (18 ёшдан 60 ёшгача) камбағал оилалар тоифасига тушиб қолишини олди олинади.

Иккинчидан, тадбиркорларни ижтимоий таъминот тўловларига оид ортиқча юкламадан озод қилиниши назарда тутиляпти. Чунки бугунги кунда ходимлар вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганида ёки ишсиз қолганида ижтимоий қўллаб-қувватлашда бир қатор муаммоларга дуч келмоқда.

Масалан, “декрет” пули ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик

ишловчиларга “декрет” пулининг минимал 2,5 млн сўмгача миқдори қоплаб берилаётганига қарамасдан, нафақанинг қолган қисми эса иш берувчи зиммасида қолиб, мазкур тизим тадбиркорлар учун молиявий масалалар келтириб чиқармоқда.

Масалан, ҳозирда республика бўйича ўртача иш ҳақи 4,9млнсўмни ташкил қилиб, ўртача “декрет” пули 19,6 млн сўм бўлади. Ижтимоий суғурта жамғармасидан 2,5 млн сўм тўланса қолган 17 млн сўми иш берувчи томонидан тўланишига тўғри келмоқда.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, биргина 2023 йилда туғилишлар сони 962 минг бўлса-да, 168 минг декрет варақалари (17%) очилган, шундан Ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан атиги 16 минг (10%) аёлга “декрет” пули қоплаб берилган, холос.

Яна бир масала, Меҳнат кодексига асосан меҳнат шартномаси

орқали инсон ҳаёти ва фаолияти давомида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганида (ўзи ёки фарзанди касал бўлганида, қисқа даволанишда, туғруқ даврида) ёки ишсиз қолганида ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан ижтимоий қўллаб-қувватланади.

Хўш, бу қандай амалга оширилади? Қонун лойиҳа билан мазкур жараённи уч босқичда амалга оширилиши белгилаб қўйилмоқда.

Биринчи босқичда 2025 йил 1 июлдан бошлаб барча суғурталанган аёлларга, уларнинг бандлик ва меҳнат фаолияти тури, суғурталаш манбасидан қатъий назар, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаб берилади.

Иккинчи босқичда 2026 йил 1 январдан барча суғурталанган жисмоний шахсларга, уларнинг бандлик ва меҳнат фаолияти тури, суғурталаш манбасидан қатъий назар, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлаб берилади.

Учинчи босқичда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига асосан суғурталанган шахсларга ишсизлик нафақаси ва бошқа турдаги тўловлар жорий этилиши кўзда тутилмоқда.

Сирасини айтганда, мазкур қонун лойиҳасида бир қатор янгиликлар ўрин олмоқда. Қонунчилик палатасининг мажлисида қонун лойиҳаси депутатларимиз томонидан атрофлича муҳокама қилинди ва биринчи ўқишда қабул қилинди. Энди депутатларимиз томонидан берилган таклифлар асосида қонун лойиҳасини такомилга етказиш бўйича иш олиб борамиз.

Ишончим комилки, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фаолият туридан қати назар ишлаётган ходимларга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси, ҳамда ишдан бўшатиш нафақасини тўлиқ тўланишига, ижтимоий фаол аҳолининг камбағал оилалар тоифасига тушиб қолишининг олдини олишга, тадбиркорларни эса ижтимоий таъминот тўловларига оид ортиқча юкламадан озод қилинишига хизмат қилади.

Мавлудахон ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси

Яна бир масала, Меҳнат кодексига асосан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда, иш берувчи томонидан иш ҳақининг 1 баравари миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши керак. Молиявий инқирозга учраган корхоналар эса ишдан бўшатиш нафақасини тўлолмаслиги оқибатида ходимлар бошқа иш топгунига қадар даромадсиз қолмоқда.

(касаллик) нафақалари иш берувчилар учун ортиқча молиявий юклама бўлгани сабабли ушбу нафақаларни хусусий секторда тўламаслиги ёки ортиқча тўловлардан қочиш мақсадида иш берувчилар томонидан аёлларни, айниқса ҳомиладорларни ишга олмаслик ёки ишдан бўшатиш ҳолатлари ҳозир ҳам учраб турибди. Ўрганишлар натижасида 25 та хусусий корхонадан 12 тасида касаллик нафақаси, 15 тасида “декрет” пули ёки касаллик нафақаси умуман тўланмагани аниқланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”-ги Фармони га мувофиқ 2023 йилдан бошлаб Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилиб, хусусий секторда

иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда, иш берувчи томонидан иш ҳақининг 1 баравари миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши керак. Молиявий инқирозга учраган корхоналар эса ишдан бўшатиш нафақасини тўлолмаслиги оқибатида ходимлар бошқа иш топгунига қадар даромадсиз қолмоқда.

Жумладан, 2023 йилда 33,9 минг корхона ва ташкилотлар тугатилган бўлиб, улардаги 125 минг ходимлар ишдан бўшатиш билан қўйиб қолинган. Ушбу ходимларнинг кўпчилиги қисмига ишдан бўшатиш нафақаси тўланмаган. Мазкур қонун лойиҳаси билан юқоридаги масалаларни ечимига қаратилган Ижтимоий суғурта жамғармаси томонидан аҳолини суғурталаш тизими жорий этилиши белгиланаётгани диққатга сазовор. Бу

Экологик хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тизимида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш, биологик хилма-хилликни сақлаш масаласи алоҳида ўрин тутди. Шу боис, овчилик хўжаликларидан самарали фойдаланиш ва ов жараёнларини тўғри ташкил этиш биологик ресурслар генофондини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга.

да, икки йил муддат ичида ёввойи ҳайвонларни етиштириш ва такрор кўпайтириш бўйича питомниклар инфратузилмаси ёки такрор кўпайтириш участкаси ташкил қилинмаса, ижара шартномаси бекор қилинади.

жадаллаштириш, ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш жойларини, кичик сафари парклар ва ов туризмни ташкил қилган овчилик хўжаликларига бир қатор имтиёзлар бериш ҳам назарда тутилган.

ОВЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ҚОИДАЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда ов қилиш ва овчилар тайёрлаш тартибини тизимлаштириш ва такомиллаштириш, соҳага илғор технологияларни татбиқ қилиш, овчилик хўжаликларидан биохилма-хилликни кўпайтириш, ов туризми инфратузилмасини ривожлантириш орқали маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунлари ҳаётга татбиқ этилди. Давлат раҳбарининг бу борадаги бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Мамлакатимизда бугунги кунда умумий майдони қарийб 500 минг гектарни ташкил этадиган 10 га яқин давлат ўрмон-ов хўжаликлари ҳамда 50 га яқин нодавлат нотижорат овчилик ва балиқчилик хўжаликлари фаолият олиб бормоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасида рўйхатга олинган минглаб ҳаваскор овчилар ва ҳаваскор балиқчилар мавжуд. Улар томонидан ов хўжаликларидан турли ҳайвон турлари (сутэмизувчилар, қушлар) овланади. Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси томонидан ов ҳайвонлари гўшт маҳсулотлари етиштирилган. Бу эса, аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қоплашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 23 июлдаги “Республикада ов қилиш ва овчилик хўжали-

клари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу йўналишдаги ишларнинг манتيкий давоми бўлиб, ов қилиш ва овчилик хўжаликлари фаолиятини халқаро ҳужжатларга мос равишда табиатни муҳофаза қилиш тартиб-таомилларига интеграция қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб бермоқда.

Мазкур ҳужжат билан жорий йилдан бошлаб овчилик хўжалигини ташкил этишда янги тартиб ўрнатилмоқда. Унга асосан ов қилиш фақат овчилик хўжаликлари ҳудудида амалга оширилиши ва овчилик хўжаликлари ҳудудидан ташқарида ов қилишни амалга ошириш тақиқланиши белгиланди.

Шу билан бирга, овчилик хўжаликларини ташкил этиш учун

Овчилик ҳудудларидаги биологик ресурслардан самарали фойдаланишда мазкур хўжаликларнинг туташ ҳудудлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда электрон онлайн-аукцион қолиби бўлган юридик ва жисмоний шахсларга овчилик хўжаликларига туташ ҳудуддаги ов қилиш жойлари Экология вазирлиги билан тўғридан-тўғри тузиладиган ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартномага асосан овчилик хўжалигини юритиш учун бириктириб берилди.

2024 йил 1 сентябргача юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзига тегишли ер участкаларида овчилик базалари ва питомниклар ташкил этилган тақдирда, овчилик хўжалигини юритиш учун ушбу ер участка-

Янги тартибга асосан овчиларга овчилик йўлланмаси ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квоталар асосида Экология вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган электрон дастур орқали берилиши, бунда, овчилик йўлланмалари берилганлиги учун тўлов миқдори овчилик хўжаликларини томонидан белгиланиши кўрсатиб ўтилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб бораётган ёввойи ҳайвонлар турларини табиий яшаш муҳитидан ажратиб олишга доир ҳар йилги квоталарни тасдиқлашда қўшимча равишда Фанлар академиясининг олиб борилган ва чоп этилган илмий-тадқиқотлар асосидаги тавсиялари ҳисобга олинишининг белгиланиши эса камёб ва йўқолиб бораётган ёввойи ҳайвонлар генофондини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони билан овчилик гувоҳномасини беришнинг тартибига ҳам ўзгартиришлар киритилмоқда. Янги тартибга асосан овчилик гувоҳномасини олиш учун талабгорлар махсус ўқув курсларида ўқитилади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур фармон ов ҳайвонларидан оқилона фойдаланиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро ҳужжатлар билан олинган мажбуриятлар ижроси юзасидан ёввойи ҳайвонларни қайта кўпайтириш ва генофондини сақлаб қолиш механизмларини такомиллаштирилишига, ов туризмнинг ривожланишига ҳамда ов хўжаликларини иқтисодий ҳолатини яхшиланишига хизмат қилади.

Ислом ХУШВАҚТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Шунингдек, Ўзбекистон овчи ва балиқчилар

спорт бирлашмасида рўйхатга олинган минглаб ҳаваскор овчилар ва ҳаваскор балиқчилар мавжуд. Улар томонидан ов хўжаликларидан турли ҳайвон турлари (сутэмизувчилар, қушлар) овланади. Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси томонидан ов ҳайвонлари гўшт маҳсулотлари етиштирилган. Бу эса, аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қоплашга хизмат қилмоқда.

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ҳамда ўрмон фонди ерларидан 10 гектаргача ер участкаси овчилик базалари ва 100 гектаргача ер участкаси питомниклар барпо этиш учун битта лот сифатида инвестиция ва шартномавий мажбуриятларни белгилаган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга электрон онлайн-аукцион орқали 49 йил муддатга турли босқичларда ижара ҳуқуқи асосида ажратиш тартиби белгиланмоқда. Бун-

сига туташ ҳудуддаги ов қилиш жойлари Экология вазирлиги билан тўғридан-тўғри тузиладиган ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартномага асосан 49 йил муддатга бириктириб берилди.

Аёнки, мамлакатимизнинг географик жойлашуви, ов ҳудудларининг етарлиги хорижий туристларни ҳам жалб эта олади. Бу борада фармонда хорижий туристлар оқимини кескин ошириш, ички туризмни янада

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 августдаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосан ер ажратишнинг аукцион тартиби жорий қилинди ва бугунги кунга келиб барча турдаги ер участкалари фақатгина онлайн аукцион платформаси орқали реализация қилинмоқда.

ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ПАЛАТАСИ ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА



Бу борада Тошкент вилоятида тизимли ишлар йўлга қўйилган бўлиб, хусусан, Давлат кадастрлари палатаси Тошкент вилоят бошқармаси томонидан 2022-2024 йиллар давомида жами 11 495 та (1 млн 126 гектар) ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар «Yerelektron» тизимига киритилган бўлиб, бугунги кун ҳолатига жами 175 минг 200 гектар ер майдони онлайн аукцион савдоларида турибди. Шундан 6 минг 800 гектар мулк ҳуқуқи, 168 минг 500 гектар ер майдони ижара ҳуқуқи асосида чиқарилган.

Вилоятда мавжуд қишлоқ хўжалиги ерларни танловга чиқариш борасида жами 17 708 гектар ер участкаси давлат захирасига олиниб, 9 148 та ер участкаси ҳокимлик номига давлат рўйхатидан ўтказилиши таъминланди. Мазкур ер участкаларининг умумий майдони 100,8 гектарни ташкил этмоқда. Шундан 63 минг 992 гектар ер майдони аукцион савдоларига чиқарилган, 48 минг 951 гектарер майдони ғолиблари аниқланган. 44 минг 819 ер майдонига ижара шартномалари давлат рўйхатидан ўтказилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5

апрелдаги “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан жорий йилнинг ўтган 6 оyi давомида вилоят ҳудудидан жами 6 минг 254 гектар ер майдони захирага олиниб, ҳокимлик номига давлат рўйхатидан ўтказилди. Шундан 6 минг 17 гектар ер участкаси аукцион савдосига қўйилди ва ғолиби аниқланган 3 минг 729 гектар ер участкасига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилиши таъминланди. Бу борадаги ишлар режадан ортиғи билан бажарилди.

Бугунги кунда вилоят ерларининг электрон харитасини яратиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказишда тизимли ишлар йўлга қўйилган бўлиб, вилоятнинг жами 1 млн 514 гектар ер майдонларини “ЕР-ҲИСОБОТ ААТ” тизимига киритиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу эса ер ҳисобини электрон шаклда юритиш имконини яратади. Бугунги кун ҳолатига мутахассислар томонидан 670 минг ер майдони тизимга киритилди.

Шунингдек, бошқарма томонидан Миллий ер ҳисоботида вилоят ҳудудидан ўзгарган ер фонди

тоифалари бўйича ҳам бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, 2019-2024 йиллар давомида Тошкент вилоятида жами 43 минг 391 гектар ер майдонининг ер фонди тоифаси ўзгарган. Шундан 425 гектар аҳоли пункти ерлари, 8 минг 259 гектар Саноат, транспорт, алоқа муҳофаа ва бошқа ерлари, 32 минг 880 гектар ўрмон фонди ерлари ва 1 минг 825 гектар сув фонди ерларидир.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди.

Маълумки, «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Президентимизнинг «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2022 йил 14 февралда “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарор имзоланди ва унга кўра ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишга доир маъмурий регламентлар тасдиқланди.

Жорий йил бошидан Ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича жами 7 971 та ариза келиб тушган бўлиб, шундан 3 891 та ариза ижобий ҳал этилган. 4 009 таси рад этилган. Рад этиш сабаблари эса ҳуқуқий ҳуж-

жатларнинг мавжуд эмаслиги ёки мавжуд бўлиб давлат рўйхатидан ўтмаганлиги, майдонларда фарқлар мавжудлиги ёки аризада нотўғри ёки бир-бирига зид маълумотларнинг кўрсатилганлиги ёки таъқиқ қўйилган ҳолатларнинг мавжудлигидир.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юзасидан жами 92 646 та ариза келиб тушган бўлиб, шундан 51 634 та ариза ижобий яқунланиб, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши таъминланди.

Шунингдек, кадастр паспортларини шакллантириш бўйича жами 84 413 та ариза қабул қилиниб, шундан 38 384 та ариза яқунланган. Кадастр паспортини шакллантиришда юқори кўрсаткичлар қуйидаги ҳудудларда қайд этилган:

- Тошкент туманида – 3 590 та;
- Қибрай тумани – 3 140 та;
- Олмалиқ шаҳри – 3 113 та;
- Зангиота туманида 3 005 та.

Бундан ташқари, аҳолининг кадастрга оид мурожаатларини ўрганиш мақсадида жорий йил бошидан режа-график тасдиқланиб, ҳудудларда сайёр қабуллар ташкил этилмоқда. Бугунги кунга қадар вилоятнинг 14 та ҳудудидан қабуллар ўтказилиб, мурожаатлар ўрганиб чиқилди. Хуллас, давлат кадастрлари палатасининг асосий мақсади халқ манфаатларини, аҳоли розилигини таъминлашга қаратилган. Биз бу йўлда ишларимизни тизимли тарзда давом эттириб бораверамиз.

Жасур АҲРОРОВ,
Давлат кадастрлари палатаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи.



Тарихий тараккиёт ҳар бир замонда ҳар бир миллат ва унинг ойдинлари олдига ўз муаммоларини кўндаланг қўяди. Шу маънода, ўтган аср ва янги юзйиллик ўртасида муайян мутаносибликни кузатиш мумкин.

БИЗНИ КЕМИРГУВЧИ ИЛЛАТЛАР

Табийки, тарихни ўрганиш масаласига шу қадар аҳамият берган жадидларимиз миллатнинг ўзлари яшаган даврдаги аҳволини ислоҳ қилиш, уни уйғотиш, тараккий этган миллатлар даражасига олиб чиқиш каби долзарб муаммоларга ҳам бефарқ бўла олмас эди. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Бизни кемиргувчи иллатлар”, “Муҳтарам ёшларга мурожаат”, “Аъмолимиз ёинки муродимиз”, “Икки эмас тўрт тил лозим”, “Тил масаласи” каби мақолаларида ўша даврнинг бениҳоя ўткир муаммолари ва бу уларнинг муолажаси масаласига алоҳида эътибор берилгани сабаби шунда.

“Бизни кемиргувчи иллатлар” мақоласи мана бундай сўзлар билан бошланади: “Бизни кемиргувчи иллатлар деганда захму маразниму гумон этурсиз? Ёинки, сил, сил-аррияу (ўпка сили), махавликниму дерсиз? Йўқ, андан ҳам ямонроқ ва андан ҳам жонхарош, беғоя, хонавайрон ва ғариб этгувчи бир дард,

ти малъунонасиға ҳар вилоятдан ҳар сана юзлар ила киши охиратға кўчар, на қадар киши маъюб ва мажрух бўлар, — дея куйиниб ёза-



йиллик сўнгида ҳам ўз долзарблигини йўқотмади. Таассуфки, аксар юртдошларимизда, ҳатто баъзи раҳбар ходимларда ҳам тўй ва маросимларни сохта обрў орттириш воситаси деб билиш қусури мудом учраб турибди. Бехбудий огоҳлантирган дабдабозликдан бугун ҳам тўлик қутула олганимизча йўқ. Катта харажатларга имконияти етадиган мулкдорлар-ку майли-я, ҳатто иқтисодий аҳволи ночор миллатдошларимиз ҳам қарз олиб бўл-

са-да, қўшнисидан, маҳалладошидан “ортда қолмаслик”ка ҳаракат қилаётир.

Ўзим гувоҳи бўлган воқеа: бир қанча йиллар муқаддам маҳалламизда яшайдиган камхарж бир қўшнимиз қиз узатди. Тўйнинг барча жиҳати гўё “рисоладагидек” ўтди. Натижа шундай бўлдики, тўйдан кейин беш хонали уй уч хоналига алмаштирилди. Иккинчи қизини узатгач эса шаҳар чеккасидаги икки хонали уйга кўчиб ўтди. Худди шу одам (бошқа кўпчилик ҳам) фарзандларининг илм олиши, салоҳиятли мутахассис бўлиб етиши учун тўйга ҳаракат қилганичалик ҳам чекмайди. Бу ҳол, Бехбудий тўғри таъкидлаганидек, тўй васвасаси “бизни кемиргувчи иллат”га айланганидан далолат беради. Айтинг-чи, қачон қутуламиз бу каби иллатлардан? Илм-маърифатни дабдабозликдан устун қўйишни ўрганмас эканмиз, мутараккий миллатлар даражасига юксала олмаслигимиз аён.

Нурбой ЖАББОРОВ

Ўзим гувоҳи бўлган воқеа: бир қанча йиллар муқаддам маҳалламизда яшайдиган камхарж бир қўшнимиз қиз узатди. Тўйнинг барча жиҳати гўё “рисоладагидек” ўтди. Натижа шундай бўлдики, тўйдан кейин беш хонали уй уч хоналига алмаштирилди. Иккинчи қизини узатгач эса шаҳар чеккасидаги икки хонали уйга кўчиб ўтди. Худди шу одам (бошқа кўпчилик ҳам) фарзандларининг илм олиши, салоҳиятли мутахассис бўлиб етиши учун тўйга ҳаракат қилганичалик ҳам чекмайди.

биз — туркистонийларни... инкирозга ва таҳликага ва жаҳаннамга юмалататургон тўй, аза исминдаги икки қаттол душманни дерман”.

Бехбудий миллат фарзандлари азиз вақтларини Ватан ва миллат тараккийсига, она юрт юксалишига сабаб бўлувчи зарур ишларга эмас, тўй, аза ва бошқа шу каби турли маросимларга, ҳар хил тадбирларга сарфлаётганидан афсусланади. “Кўпқари ва улоқ чопмоқлик ода-

ди у, — кўп кишилар сайр ва кўпқари шумлиги ила ишдан ва зироат вақтидан қолар... Ўн-йигирма чақиримга тўй бўлдими, ҳар ким ишини, деҳқончилигини қўюб, отланиб кўпқарига кетар. Деҳқон учун олтиндан азиз вақт фавт бўлди-кетди. Экин биргина кун кейин сепилган учун ёғинга қолиб, баъзи хирмонлар чириб кетар”.

Бехбудий айрим миллатларнинг вақтни тежаш максасида ўликни

ҳатто кечаси кўмиши ҳақида ёзиб, ҳар бир дақиқани огоҳликда ўтказишга, Ватан ва миллат манфаати йўлида сарфлашга даъват этади.

Зинҳор-базинҳор бу фикрлардан Бехбудий тўй ва аза маросимларига қарши бўлган экан, деган хулосага келмаслик керак. У тўйга ҳам, азага ҳам қарши бўлган эмас. Улуғ маърифатпарвар исрофгарчиликни, дабдабозликни қоралаган, холос. Бунга унинг куйидаги фикрлари далил бўла олади: “Бизга лозимки, тўй ва таъзияларни кичик қилиб ва холимизча ҳаракатда бўлуб, келар замонимизни ўйлайлук... Тўй ва таъзияга сарф қилинадурғон оқчаларимизни биз — туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, оврупойилардек тараккий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар”.

Кўрииб турибдики, алломанинг ушбу фикрлари ягона мақсад — Ватан ва миллат манфаатига қаратилган.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати, Бехбудий ўтган аср бошида кўтарган ушбу муаммолар юз



Ушбу мақола Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга, ташаббуслари ва замонавий ғояларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



МЎҒУЛИСТОН ҲАЙРАТЛАРИ:

ЁЛҒОННИ БИЛМАЙДИГАН ХАЛҚ

Мўғулистон деганда кўпчилик инсонларнинг тасаввурида, асосан, Чингизхон гавдаланади. Бу мамлакатга уюштирган илмий сафаримизгача биз ҳам деярли шундай ўйлардик. Аслида бизни Монголия билан боғлаб турадиган ишлар кўп: икки халқ ўртасидаги тарихни жўғрофик нуқтаи назардан олиб қараганда қадимги хунлар, юечжилар, кушонлар, Буюк ипак йўли, ўрхун-энасой битиклари каби кўп туташган нуқталаримиз бор. Бундан ташқари, Мўғулистон тупроқларига зироатчилик ва боғдорчилик илмларини олиб борганлар бизнинг аждодларимиз бўладик, буни ўзлари ҳам бирдек эътироф этишади. Булар келиб чиқиши Туркистондан бўлган ва кўп асрлардан буён Мўғулистонда яшаб келаётган чанту ва сартул халқларидир.

Бу ерга келишимиздан асосий мақсадлардан бири ўрхун-энасой битиклари эди. Ўзбек тилининг аждодларидан ҳисобланмиш бу битиклар умумий ном билан шундай аталиб, улар жуда катта ҳудудларда жойлашган: Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий бўлгаларидан тортиб Қозоғистон-у Россия ва Мўғулистонгача. Ана шу битикларнинг ичида энг машҳури Тўнюқук битиктоши бўлади. Улан-Батордан 66 км жануби-шарқ томонда ўрин олган Тўнюқук битиктоши қадимдан туркийларнинг макони бўлган Ўтуқан водийсида жойлашган. Битиктош иккинчи Турк ҳоконлигига асос солган Элтариш ҳоконнинг маслаҳатчиси ва саркарда Тўнюқук тилидан 712-716 йилларда тошга ўйиб ёзилган.

Иккинчи Турк ҳоконлиги барпо этилишига ўзининг муносиб улуғи донишманд Тўнюқук туркий ёзма адабиётнинг энг биринчи намояндаси бўлиб, унинг битиклари ватансеварлик руҳи билан йўғрилган. Унда, жумладан, мана бундай сатрлар бор: “(турк халқи) хонини кўйиб, яна Табғачга кўшилди. Тангри шундай деган шекилли: Хон бердим. Хонингни кўйиб таслим бўлдинг. Таслим бўлгани учун тангри “ўл” деган шекилли. Турк халқи ўлди, тугади, йўқ бўлди”.

Кейинги машҳур битиклар Култегин ва Билга ҳокон битиктошлари бўлиб, улар Ўрхун дарёси бўйида бир-бирига яқин ерда жойлашган. Булар тенгдош бўлиб, чамаси 730 йилларда тошга ўйиб ёзилган. Култегин битиги ушбу ажойиб жумлалар билан бошланади: “Тангридек тангридан бўлмиш турк билга ҳокон бу дунёга келдим. Сўзимни тугал эшитгил кейинимдаги ини, жияним, ўғил (лар)им, иттифок, уруғим, халқим...”. Асл ҳолатида кўйидагича ўқилади: “Тенгри тег, тенгрида болмыш турук билге қаған бу одке олуртум, сабымын тукети эшидгыл: улайу ини йигунум, оғланым, бирикки оғушум бодунум”. Ўзбек тилига қанчалик ўхшаш!

Култегин ва Билга ҳокон битиктошлари бошқа барча турк-руний ёдномалари каби ўз илдизини улуғ ва муқаддас санайдиган инсонни чуқур ўйга толдиради. Замонавий дунёдаги

оғриқ-у ҳасратлар минг йиллар аввал ҳам бўлган, у турк ҳоконлари, унинг донишманд вазирлари ва саркардаларини қийнаган, ўйлантирган. “Олтин, кумуш, ичкилик, ипакни шунча ҳисобсиз бераётган Табғач халқи сўзи ширин, ипаки нафис экан. Ширин сўзи, ипаки билан алдаб йирок халқни шу хилда яқинлаштирар экан”, дея ҳасрат қилиб Култегин, халқини бунга алданмасликка чакиради ва туркийлардаги бировларнинг ширин сўзларига дарров ишониб кетиш одагидан ёзғиради.

Туркий битиклар ҳузурига амалга оширган сафаримизнинг якунида гуруҳимиз сафардан кўзланган (етақчимиз Бекзод Абдиримовнинг ғояси бўлган) асосий мақсадларидан бирини амалга оширишга киришди. Ўрхун дарёси бўйларидан туриб халқимизни “Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 34 йиллиги” билан табриклаш учун Ватанимиз байроғини кўтарган ҳолда “Ўзбегим” қасидаси билан халқимизга табрик йўлладик. “Сўйласин Афросиёб-у, сўйласин Ўрхун хати, кўхна тарих шодасида битта маржон, Ўзбегим!” Шундан сўнг, ошқоққа тушиб Ўрхун сувидан ҳовучлаб сув ичдик. Суви тиник, тоза ва тотли экан. Авваллари номини фақат китобларда ўқиганимиз бу афсонавий ирмоқнинг ўзини кўриш, шилдираб оқаётган муздек сувидан сув ичиш кишига ҳаловат беради. Ўрхун водийси бизга бир умрга эса қоладиган хотираларни берди.

Мўғуллар ўзлигини сақлаб қолган ва келажакда ҳам сақлаб қолиши учун барча саъй-ҳаракатларни қилаётган халқ. Гарчи Совет Иттифоқи давридан бери бу ерда кирилл алифбосига асосланган мўғул ёзуви амалда бўлса ҳам, охириги пайтларда анъанавий мўғул ёзувига қайтиш ҳаракатлари кучли. Бу оддий кўча-кўйда ҳам яққол кўзга ташланади: сиёсий ташкилотлар бинолари (масалан, парламент) номлари кирилч билан параллел равишда тепадан қуйига қараб йўналадиган мўғул ёзувида ёзилади. Қисқаси, қай ёнга қарасангиз ҳам, кўзингиз бирда бўлмаса, бирда эски мўғул ёзувида битилган ёзувларга тушади. Бу ёзувни мактабларда ҳам кичик синфлардан бо-

шлаб ўқитиш йўлга қўйилган. Бизга университетнинг Санъат ва фанлар факультети декани Зайабаатар Далаи тақдим қилган олимлик визиткасининг орқа тарафи ҳам тўлиқ кўхна мўғул ёзувида эди.

Мўғулистонда йўл бўйидаги яйловларда ўтлаб юрган отлар, қўй ва молларни кўп учратасиз. Чорванинг тепасида юрган биронта чўпон йўқ. Моллар эмин-эркин, исталган ерида у ёқдан – бу ёққа кечиб, ўтлаб юради. Буларнинг эгаси йўқми, деб ўйлайсиз. Бу ўлка шуниси билан ҳам машҳурда: қорамол сони аҳоли сонидан бир неча ўн баробар кўп.

Мўғул халқининг яна бир хислати борки, бунинг учун уларни ҳурмат қилмасдан бўлмайди. Мўғуллар ниҳоятда содда одамлар. Ёлғонни билмайди. Ўз-ўзидан уларда айёрлик ҳам йўқ. Бошқа кўчманчилар каби тўғри сўз, тўғри инсонлар. Мўғул ресторанига кириб, бу ерда емаклар ҳалолми ёки аксими, деб сўрасангиз, хизматчиларнинг соддаларча “овқатларимиз ҳалол эмас” деб юмшоққина жавоб қайтаришига ҳайрон қоласиз. Тўғрисўз бўлса, инсонни ким бўлишидан қатъи назар, ҳурмат қилмай бўладими?! Дарвоқеъ, пойтахтда ўзбек тамаддиҳоналари бисёр: биз борганда еттита эди.

Шунингдек, улар кўмакка муҳтож одамга дарров ёрдам бериш учун шошиладилар. Айниқса, меҳмонлигингизни билишса, тўла-тўқис, охиригача, беминнат ёрдам беради. Гуруҳимиз аъзоларининг деярли ҳар бири билан шунга ўхшаш ҳодисалар рўй берди. Ҳаммамиз кўноқхонадаги оқшомги гурунгларида мўғулларнинг содда, камтарлиги ва қўлидан келганча охиригача ёрдам бериши тўғрисида суҳбатлашиб, бошимиздан кечирган воқеаларни айтиб ўтирдик.

Сафаримизнинг охириги кунда Ўзбекистоннинг бир қатор университетлари (Урганч давлат университети, Маъмун хусусий университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети) ва Мўғулистон миллий университети ўртасида илмий анжуман ўтказилди. Камина анжуманда чиқиш қилган мавзу Маҳмуд аз-Замахшарийнинг “Муқаддимат ал-адаб” луғати тўғрисида бўлди. Тенгсиз тилшунос Замахшарий томонидан тузилган ушбу луғат аввалбошда фақат араб ва форс тилларини ўзига қамраб олган. Кўп ўтмай бу луғатга туркий (эски ўзбек) тил ҳам қўшилади. 1492 йилга келиб эса луғат Бухорода мўғул тилига ҳам таржима қилинган, охириги оқибат

“Муқаддимат ал-адаб” тўрт тиллик луғатга айланади: араб-форс-ўзбек-мўғулча.

Аз-Замахшарий луғатининг мўғулча таржимасидаги тил ўрта мўғул тили бўлиб, у Мовароуннаҳрда XIV-XV асрларда муомалада бўлган. Эътиборли тарафи шундаки, луғатдаги сўзларнинг бир-бирига яқинлиги ўрта асрларда ўзбек ва мўғул тиллари ўртасида бироз бўлса-да ўхшашлик бўлганини кўрсатади.

Анжуманда мўғул тарихчилари томонидан қуйидаги мавзуларда чиқиш қилинди: “Мўғул манбаларидаги Хоразм тарихига оид маълумотлар”, “Юань ши” манбаларидаги Мўғул ва Хоразм алоқаларига оид маълумотлар”, “Чингизхоннинг Хоразмга юриши ҳақида” ва “Мўғулларнинг исломга киришида хоразмликларнинг ўрни”.

Ўзбек ва мўғул тарихчиларининг илк учрашуви юксак кайфиятда ўтди. Якунида Мўғулистон миллий университети ва Урганч давлат университети ўрталарида шу каби илмий анжуманларни ўтказиб туриш бўйича икки томонлама меморандум имзоланди.

Шундай қилиб, конференция ҳам тугаб, сўнгги сўзни ўша пайти Мўғулистон миллий университети қошидаги Туркология институти раҳбари бўлиб турган, кейин эса Мўғулистоннинг Истанбулдаги Бош консулликка тайинланган Анхбаяр Дануу айтди:

“Сўнгги 30 йилда Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасидаги муносабатлар жуда заиф нуқтага келиб қолди. Бироз сиёсий, бироз иқтисодий алоқаларимиз бор, аммо энг муҳими бўлган маданий алоқаларимиз ҳанузгача жуда оз, бошланғич савияда. Шунинг учун бўшлиқни тўлдириш учун мана шундай илмий учрашувни ўтказдик. Бу ўзбек-мўғул илм одамлари бир ерга келган илк учрашувдир. Тарих ва тил соҳасида амалга ошириш лозим бўлган кўп иш бирликларимиз бор. Ҳали икки мамлакат ўртасида элчихона очиладиган кун ҳам келади. Бу борада биз тарихчилар, илм одамлари бир бўлиб ҳамкорлик қилишимиз учун салоҳиятимиз етарли. Шундай экан, ўзбек халқига-да, ўзбек олимларига-да шундай чақириқ билан чиқамиз: келинг, ҳамкорлик қиламиз, келинг, иш бирлиги ёпамиз. Мавлоно Румий айтганидек, “келинг дўстлар, келинг, бирга бўлайлик, келинг, танишайлик, бир-биримизни англайлик”.

Мардон ХАСАНОВ
Урганч давлат университети
ўқитувчиси



Алишер Навоийга тўртта қабр нега керак эди?

Дўстининг кутилмаганда вафот этиши унинг учун шунчалик оғир мусибат бўлдики, узоқ вақтгача ўзига келолмай юрди. 1501 йил 3 январдан 6 январгача эса марҳумнинг уйида аза тутиб ўтирди. Барча маъракаларга ўзи бош бўлди. Унинг учун шундан кейин Хиротдаги энг табаррук зиёратгоҳ қадамжо ҳам Сари Пули Инжил жоме масжиди ҳовлисидаги қабр бўлиб қолди. Зеро, бу масканга буюк мутафаккир Мир Алишербек Навоий ҳазратлари дафн этилган эди.

Қадим Хиротнинг хушманзара Мухтор тоғ ён бағрида жойлашган Мусалло (Намозгоҳ)да Хуросон ҳукмдори Хусайн Бойқаро кўплаб меъморий обидалар бунёд қилдирган. Уларнинг аксарияти Мир Алишербек ҳазратлари бошчилигида барпо этилган. Бу жойлар Навоий учун қадрдон гўшалигининг боиси, Мусаффо атрофидаги Балиқли булоғи ёнида амакиси Хайдарбекнинг ҳовлиси бўлиб, у ёшлигидан маърифатли амакиси билан суҳбатлашгани тез-тез келиб турарди. Вақт ўтиб, Хуросон давлатида муҳдор, амир ва ҳоким даражасига етишгач эса, бор бойлигига бир қатор иншоотлар барпо эттирди.

Айниқса, Мусаллодек сўлим жойда Навоий ҳазратлари масжиде жоме, «Шифоия» шифохонаси, «Дор ул-хуф-фоз» (қорилар) мадрасаси, «Сафоия» ҳаммоми, Инжил ариғи ёқасида эса «Халосия» хонақоҳи ҳамда «Ихлосия» мадрасасини тиклаган эди.

Қолаверса, умри ўтгани сайин Навоий маҳзун хаёллар оғушида юрадиган бўлиб қолди. Ўзи «Маҳбуб ул-қуллуб» асарига ёзганидек, «Бу хоксор ва паришон рўзгор камина болалиқдан то қарилликка қадар, кўҳна даврон воқеаларидан, айланувчи осмон ҳодисаларидан, фитна кўзғовчи буқаламунлигидан, товламачилигидан, замонанинг ранг сингари гуногунлигидан кўп вақт

ва узоқ муддат ҳар хаёл ва тараддудлар билан овора бўлиб юрдим...»

Ана шундай «тараддуд»лардан бири, иссиқ жон эмасми, қолаверса, ўлимини бўйнига олмаган мусулмон эмас, деганларидек, ўзига қабр тайёрлатиш бўлди. Алишер Навоийнинг ўзига ҳаётлигида қабр тайёрлатиши замондошларини ҳайратлантирган, баъзилари эса бу ҳолнинг сабабини тушуна олмаган ҳам. Негаки, мутафаккир шоир ўзига Хиротнинг Ризавия боғи ҳовлисида, Абдулла Ансорий мазориди, Саъидин Қошғарий мазориди ва ўзи солдирган Сари Пули Инжил масжиди жоме ҳовлисида қабр тайёрлатиб қўйган эди. Навоийнинг тўртта жойдан ўзига қабр тайёрлатгани, ҳатто Абдурахмон Жомийни ҳам таажжубга солган.

Ўша даврда яшаб ижод этган Фахриддин Али Сафийнинг «Латоиф ут-тавоиф» асарига ёзилишича, баъзилар Жомийга Алишербекнинг қабр тайёрлатиб қўйганини айтиб беришганида, у «Мир Алишер бу қабрларнинг қайси бирида ётмоқчи экан ўзи», дея мутойиба ҳам қилган экан.

Табиийки, Навоийнинг қабр тайёрлатган масканлари хиротликлар учун энг табаррук жойлар эди. Хожа Абдулла Ансорий «Пири Хирот» дея довруқ таратган пешво бўлиб, кўплаб хиротликлар ўша масканга дафн этилишини

васият қилардилар. Ризавия боғи ҳам Хиротдаги энг муқаддас жой ҳисобланган. Ўз вақтида нақшбандия хожаларининг халифаси бўлган Мавлоно Саъяддин Қошғарий мазори ҳам табаррук маскан эди.

Тўртинчи қабр тайёрланган жой «Сари Пули Инжил» масжиди жоме ҳовлиси ҳам Навоийнинг тез-тез ташриф буюриб турадиган қадамжоларидан бўлган. Умуман олганда, Навоий ҳазратлари мўмин мусулмон банди сифатида қаерга борса, энг аввало, табаррук қадамжоларни зиёрат қиларди. Хиротдаги ўзига қабр тайёрлатган жойлар ҳам Навоий ҳазратлари мунтазам зиёрат қилиб турадиган масканлардан бўлган. Ҳатто, Алишербек ҳажга боравериши ортга сурилавериб, исломнинг бешинчи фарзи армонга айланажagini англагач, дўсти Хусайн Бойқародан Хожа Абдулло Ансорий зиёратгоҳининг жорубкаш (супурувчи)лигини ҳам сўраб олганди. Навоий бу қадамжога келиб, Ансорий макбараси атрофларини супуриб кетарди. Кейинчалик эса мазкур зиёратгоҳда хонақоҳ курдириб, теварак атрофни яна ҳам обод қилди.

1501 йил 3 январда Навоий вафот этгач, қариндош-уруғлари – акаси Баҳлулбек, унинг ўғли Амир Камолиддин Султон Хусайн, укаси Дарвешалибек, Ҳасан Али Жалойир ва бошқалар уни Сари Пули Инжил масжиди ҳовлисидаги олдиндан ўзи тайёрлатиб қўйган қабрга дафн этадилар. Кейинчалик Навоий дафн қилинган масжиди жомени хиротликлар «Қудсия», яъни муқаддас жой дея атайдиган бўлишди.

Умид БЕКИММЕТОВ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар

ҳаракати –
Ўзбекистон
Либерал-
демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари
миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-810
Адади: 1015.
Пайшанба кунни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табок.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жиҳатдан сифатли чоп
этилишига «Шарқ» нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

Маълумот учун
телефонлар:
99-791-43-23
99-994-70-52
98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:
jamiyat@umail.uz

Газета индекси – 131
«ЖАМИЯТ» дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6



Уйимизнинг икки тарафида бир қатордан тоқларимиз бор эди. Ҳар йили узумларимизни майналар еб кетишар, канча ҳайдасак ҳам фойдаси йўқ эди. Шунинг учун бу йил узумларни майналардан асраш мақсадида пиёз соладиган юмшоқ сетка қоплар билан ҳар бир бош узумларни ўраб чиқдик, лекин улар фойда бермади. Майналар уларнинг баъзиларини бақувват тумшуклари билан тешиб ташлашибди, баъзиларини эса бутунлай олиб ташлашибди. Майналарни ҳадеб ҳайдайвериш жонга тегди, уларни ҳайдаганининг ҳам фойдаси йўқ. Шунинг учун тоқларнинг тагида пана жойда, келса ҳайдайман деган ўйда ўтирган эдим. Кутилмаганда майналар учига ўргатаётган полапонлардан иккитаси шундоқ ёнимга келиб қолди, чакконлик билан иккаласини ҳам тутиб олдим ва мана сизларга ўғрилиқ дедим. Уларнинг полапонлари ҳам анойи эмас, ёввойи, жуда чаккон экан, қўлларимни чўкиб, тирнаб ташлади. Иккала полапонни узун бақувват ип билан оёғидан маҳкам боғлаб, иккинчи учини тоқнинг пастки

БИРДАМЛИК

новдасига боғлаб қўйдим ва ўйладим, энди улар қўлга тушиб қолишимиз мумкин экан, деб бошқа келишмайди, уйга кириб кетдим. Олдинига майналар полапонларининг олдига келиб-кетиб туришди. Кейин уларни қўйиб юбор дегандек шовқин сола бошлашди. Уларнинг шовқинига эътибор бермай, ана кетади, мана кетади, ўзи бир куш бўлса, деб ўйлабман. Лекин чуғур-чуғур борган сари кучайди, атроф-жавонидидаги бор майналар йиғилиб келишгандек эди. Қўшнилари тарафдан ҳам овоз кела бошлади: – Ҳой, нима қилдинглар, нима шовқин, ҳамма майналарни йиғиб қамаб қўйдингларми? Уларга нима бўляпти ўзи?

Қўшнилари таънали гапидан, майналарининг борган сари кучайиб кетаётган шовқинидан ҳам уялиб, ҳам кўркиб, хавотирга тушиб, нима қилишимни билмай қолдим. Қилган ишимдан афсусланиб майналарнинг полапонларини ечиб юбориш учун яқинлашгандим, уларнинг ҳаммаси бир гала бўлиб бошим устида айланшиб чарх уришар, бу ишни сен қилдингми, дегандек, ҳужум қилишга шайланишаётгандек эди. Бошимни чўкиб олишса-я, ваҳима босиб, юрагимга ғулғула тушди, нима қиларимни билмай тоқларнинг панасига ўтиб, беркиниб олдим. Полапонларини

боғлашга боғладиму, лекин қўйиб юборишга келганда, уларнинг ҳужумидан кўркиб журъатим етмади, тоқнинг тагидан чиқмай ўтиравардим. Майналар баттар шовқин солишди. Бир пайт иш қуролларини чархлаётган бобом ҳам уларнинг овозини эшитиб нима бўлаётганлигини билиш учун узумзорга яқинлашди ва менинг беркиниб ўтирганимни, полапонларнинг боғлаб қўйилганлигини кўриб, жажли чиқиб кетди:

– Нима шовқин экан, десам, ҳали бу сенинг ишингми, билиб қўй ҳеч нарсанинг боласига тегиб бўлмайди. Ҳар қандай жонзод боласи учун ҳамма нарсага тайёр бўлади. Агар улар кўзингни чўкиб олишса нима бўларди, нима қилардинг? – деб полапонларнинг оёғидаги боғланган ипларни ечиб юбордилар.

Бир пасдан кейин майналарнинг шовқини тўхтади.
Енгил нафас олдим...
Мен майналарнинг ҳамжиҳатлигига, бирдамлигига ҳайрон қолдим. Бирдамлик, ҳамжиҳатликда гап кўп экан. Уларнинг бирдамлиги полапонларини кутқарди. Ҳеч биримизни аҳиллик, ҳамжиҳатлик, бирдамлик тарк этмасин.

Камола ҚОДИРОВА,
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани
4-мактаб-интернати ўқувчиси

ДИЁРИМИЗ. ЁРУҒ ЮЗИ

Дшефа

(Боши 1-саҳифада)

Диёра Парижда ўтказилаётган Олимпия ўйинларида ҳам юртимиз шарафини муносиб химоя қилди. У Ўзбекистон тарихида ёзги Олимпия ўйинларида чемпион бўлган илк аёл спортчи, шунингдек, юртимиз тарихида дзюдо бўйича олимпиада олтин медалини олган спортчига айланди. У чемпионликкача япониялик Олимпиада ва тўрт карра жаҳон чемпиони Ута Абенинг 5 йиллик мағлубиятсиз сериясига барҳам берди, чорак финалда германиялик Маша Балхаусни, ярим финалда мезонларнинг биринчи рақамли спортчиси, Олимпия ўйинларининг олтин ва кумуш медаллари соҳиби Амандин Бушарни, финалда Токио-2020 ёзги Олимпия ўйинлари чемпиони косоволик Дистрия Красничини мағлубиятга учратди.

Фарзанд натижаси ота-она учун чексиз фахр

Диёранинг ғалабасидан кейин унинг ота-онаси билан суҳбатлашдик.

– Қизим иштирок этган ҳар бир мусобақани хаяжон билан кузатамиз, – дейди Диёранинг онаси Дилором Шарипова. – Ёшлигидан чемпион бўламан, телевизорда кўрсатишади, бутун Ўзбекистон мени олқишлайди дер эди. Мана, бир неча йилдан буён ғалабани бермай келаётган япониялик Ута Абе ва яна бир неча номдор спортчиларни доғда қолдириб, ниятига етди – юртимиз байроғини баланд кўтариб, олимпиада чемпиони бўлди. Бундан бошимиз кўкка етди.

– Мамлакатимизда спортчиларнинг шуғулланиши учун барча шароит яратилган, – дейди Диёранинг отаси Бахтиёр Мардонов. – Буни қизим Диёра эришаётган ютуқларда ҳам кўриш мумкин. Қизим олимпиадада тарихий ғалаба қайд этиб, юзимизни ёруғ қилди, ишончимизни оқлади. Устозлари, маҳалламиздагилар, масъуллар уйимизга келиб, Диёранинг чиқишини биргаликда кузатишди, ғалаба билан табриклади ва ҳаммаси учун раҳмат айтишди. Айниқса, Президентимиз Диёра билан телефон орқали гаплашиб табриклаганлари ва унга биз – ота-онаси ва мураббийларига у кишининг миннатдорликларини етказиб

кўйишни айтишларини эшитиш – бу биз учун фахр.

«Ортимда бутун ўзбек халқи турганини ҳис қилдим»

Диёра тарихий ғалабасидан сўнг Ўзбекистон аёллар терма жамоасида ишлаётган япониялик мутахассис Мики Танакага миннатдорчилик билдирди. Чунки бу мутахассис ёрдамида Диёра жорий йилда икки марта Японияга бориб, маҳоратини ошириб келган. Диёранинг чемпион бўлишида унинг ҳозирги мураббийи Марко Шпитканинг эса хизматлари жуда катта. Атланта–1996 ёзги Олимпия ўйинларининг бронза медални соҳиби бўлган ушбу мутахассис ўзбекистонлик шогирди билан чемпионликка эришди. Диёра мусобақадан кейин Париж–2024 расмий матбуот анжуманида олимпиада таассуротлари ва мураббийи айтган гаплар унга мотивация берганини таъкидлади.

«Мураббийимнинг биринчи айтган гапи – Абе билан биринчи-иккинчи раундда ёки ярим финал, балки финалда тушишинг мумкин, сенда биттагина йўл бор, бу ҳам бўлса фақатгина уни ютиш. Орқага йўл йўқ» деди ва мен шу ишни қилдим. Бу мураббийимнинг менга берган катта мотивацияси эди. Мусобақага узоқ муддат тайёрландик. Ҳар бир рақибим кучли бўлишини билган эдим. Кучлиларни ютмагунимча, кучли бўла олмаслигимни яхши тушуниб турган эдим. Албатта, ортимда бутун ўзбек халқи, ўзбекистонлик дзюдочилар турганини ҳис қилдим. Фурсатдан фойдаланиб, Президентимизга Ўзбекистонда аёллар спортига эътибори учун миннатдорчилик билдираман. Чет эллик спортчилар ҳам бизга яратилган

шароитларга ҳавас қилади. Ўйлайманки, мана шундай эътибор бугунги Олимпиада ғолиблигининг асоси бўлди», деди Диёра Келдиёрова.

«Ғалабангиз ўзбек аёли нимага қодир эканини дунёга намойиш этди»

Давлатимиз раҳбари Диёра Келдиёровани Олимпиада чемпиони бўлгани билан табриклаб, шундай фикр билдирди. «Жасоратли, матонатли қизим борлигидан ғурурланаман. Камдан-кам бўладиган ғалаба бўлди. Дунё қойил қолди. Ғалабангиз

ғиз ўзбек аёли нимага қодир эканини дунёга намойиш этди. Ўзбекистоннинг обрўйини кўтардингиз, раҳмат қизим», деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев чемпион билан телефон орқали мулоқот чоғида.

Диёра Келдиёрованинг ота-онасига вилоят ҳокимининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари топширилди

Диёранинг ғалабасидан кейин вилоят ҳокимлиги масъуллари ва жамоатчилик вакиллари спортчи туғилиб ўсган хонадонга бориб, унинг ота-онасига вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг ташаккурномаси ва кимматбаҳо совғаларини топширди, Диёранинг спортдаги зафарли одимлари ҳақида фикрлар билдирилди.

– Диёранинг ғалабали курашларини томоша қилиб, финал баҳсини у туғилиб ўсган хонадонда, ота-онаси ва яқинлари билан бирга кузатдик, – дейди Пастдарғом тумани ҳокими Шерзод Раҳмонов. – Вилоятимиз спорт мутасаддилари билан бирга баҳсга қадар Диёранинг ота-онаси билан суҳбатлашиб, чемпион қизимизнинг болалиги, спорт билан шуғулланиш жараёнлари, дастлабки ғалабаларини эсладик. Суҳбат жараёнида амин бўлдикки, Бахтиёр ака ва Дилором опа қиз болага курашни ким қўйибди, демай уни қўллаб-қувватлаган, орзуларига етиши учун имконият яратиб берган экан. Мана, бунинг натижасини нафақат ота-онаси, балки бутун Ўзбекистон ҳис этапти.

Дзюдочилар оиласи

Диёранинг турмуш ўртоғи ҳам дзюдочи. Диёра ва Азамат Матёкубов Ўзбекистон дзюдо жамоаси сафида бирга машғулотларда қатнаб танишган. 2022 йилги Ислон бирдамлиги ўйинларидан сўнг Диёра Келдиёрова Азамат Матёкубовга турмушга чиққан. Диёранинг спортдаги ютуқларида Азаматнинг ҳам хиссаси катта. Париж-2024 Олимпиадасигача биргаликда машғулотлар ўтаб, тайёргарлик кўришган. – 66 килограмм вазн тоифасидаги 28 ёшли дзюдочи Диёрага умр йўлдоши бўлиш билан бирга, зарур пайтда мураббий сифатида ҳам ёрдам беради. Бахтиёр спортчилар оиласида келажакда юрт байроғини кўкларга кўтарадиган фарзандлар тарбия топишига ишончимиз комил.

Фазлиддин
РЎЗИБОВ

